

ШАРТНОМА № 10264
(Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш)

Тошкент ш.

“ 11 ” март 2022 йил

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги ўринларда Буюртмачи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор Б.Нурматов бир томондан ва “RAVON LOYUNA LUX” МЧЖ (кейинги ўринларда Бажарувчи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор У.Уринов иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти Паркент тумани Истиқлол МФЙ Механизатор кўчасини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан harid.uzex.uz махсус ахборот портали орқали (Лот рақами 45422) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 09 мартдаги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

Шартнома предмети ва муддати.

1.1. Бажарувчи Тошкент вилояти Паркент тумани Истиқлол МФЙ Механизатор кўчасини жорий таъмирлаш (кейинчалик-объект) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган ҳуқуқ ва қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи шартнома бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади, шу жумладан учинчи шахсни ёллаган ҳолда белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказди.

1.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотлар асосида шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ҳазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб шартноманинг 2-илоvasи “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”да белгиланган муддатларда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Иш жараёнида келишилган асосий лойиҳавий ечимларни буюртмачига топширилади.

1.7. Ишлар паралел равишда амалга оширилади ҳамда лойиҳа ишлари босқичма-босқич бажарилади ва топширилади.

2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари.

2.1. Шартноманинг баҳоси шартнома тарафларининг келишуви (1-илова)га асосан **ҚҚС билан 3 900 000 (уч миллион тўққиз юз минг)** сўмни, шундан ҚҚС 508 695,65 сўмни ташкил этади ва мазкур шартноманинг 2-илоvasидаги “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”га мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Ҳазначилигида рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 кун мобайнида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертизаси хулосасини олиб, Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, 15 кун мобайнида дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдорида) ушлаб қолиниб молиялаштирилади.

2.4. Шартноманинг баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

Дастлабки ҳисобланган смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатлари баҳоси (маҳаллий бюджетдан молиялаштирилганда Тошкент вилояти туман ҳокимиятлари молия бошқармалари) томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзоланади.

3. Томонлар мажбуриятлари.

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчи тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тугатилганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши, тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс

томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бирламчи маълумотларни (нуксонлар қайдномаси ёки ижро ҳужжатлари, пудрат ташкилотининг ўртача иш ҳақи, ишлатилган машиналар, механизмлар ва техник кўрсаткичларга эга транспорт воситалари, ишлатилган машиналар, механизмлар ва транспорт воситаларининг ишлаш харажатлари кўрсаткичлари, пудратчининг бошқа харажатлари, лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган ҳужжатларидаги бошқа харажатлари.

Тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда) тақдим қилади.

3.3. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш кунни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш кунни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ёрдамчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлса камчиликлар аниқланган тақдирда ёрдамчи ташкилот ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари учун тўлиқ жавоб беради ва Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

3.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёҳуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.6. Лойиҳанинг асосий ечимларини буюртмачи билан биргаликда тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилади.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожат қилиши мумкин.

5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш.

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. Низоларни ҳал этиш.

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан

Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқилиши натижасида ҳал қилинади.

7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартномага қўшимча битим кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзолаган ҳолдагина Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8. Форс-мажор.

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

9. Қўшимча шартлар.

9.1. Бажарувчи Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уни Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариш учун, Шартномада белгиланган муддатларга риоя қилинишини инобатга олган ҳолда ҳамда Буюртмачи билан келишилган ҳолда, ёрдамчи ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

9.7. Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

9.8. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова - Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали.

10. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

“Буюртмачи”

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати” ДУК

Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар,

Бобур кўчаси 119-уй.

Ш/х: 30452186022401704520118242

ИНН: 304 943 564, МФО 00895 ОКЭД: 42110

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилигининг

Амалиёт Бошқармаси

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201129919

“Бажарувчи”

"RAVON LOYIHA LUX" МЧЖ

Сергели тумани Сергели-7,

Шокирариқ кўчаси 82-уй

Тел: (99897) 746-41-36

Х/р: 20208000005160269001

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ

СИРГАЛИ ФИЛИАЛИ

ИНН: 306 997 298

МФО: 00978



Директор

Б.Нурматов



Директор

У.Уринов

2022 йил « 11 » мартдаги
10264-сонли шартномага 1 - илова

Шартнома баҳосини келишуви

БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо чекувчилар: Тошкент вилояти Паркент тумани Истиқлол МФЙ Механизатор кўчасини жорий таъмирлаш лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил « 11 » мартдаги 10264-сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан 3 900 000 (уч миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“Буюртмачи”

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати” ДУК

Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар,

Бобур кўчаси 119-уй.

Ш/х: 304521860274017045204118242

ИНН: 304 943 564, МФО 00895 ОКЭД: 42110

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ҳазначилигининг

Амалиёт Бошқармаси

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201129919



Директор

Б.Нурматов

“Бажарувчи”

"RAVON LOYIHA LUX" МЧЖ

Сергели тумани Сергели-7,

Шокирариқ кўчаси 82-уй

Тел: (99897) 746-41-36

Х/р: 20208000005160269001

“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ

СИРГАЛИ ФИЛИАЛИ

ИНН: 306 997 298

МФО: 00978



Директор

У.Уринов

2022 йил " 18 " мартдаги
10264-сонли шартномага
2 -илова

Тошкент вилояти Паркент тумани Истиқлол МФЙ Механизатор кўчасини жорий таъмирлаш
лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

минг сўм

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати (ҚҚС билан)	Бажариш		Молиялаштириш муддати
			муддати	қиймати (ҚҚС билан)	2022 йил
	Аванс миқдори				1 170 000
1	Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	3 900 000	2022 йил	3 900 000	2 730 000
	Жами:	3 900 000		3 900 000	3 900 000





"Келишилди"
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг ўринбосари
А.Хайдаров
2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2022 йил 15 январдаги 11-Ғ сонли фармойишига асосан "Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУЖ буюртмачилигида
Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти ҳудудидagi шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишларининг 2022 йил учун

МАЌЗИЛИВИ РЎЙХАТИ

Т/Р	Объектлар номи ва маъноли	Қурилиш ишларининг бошланиши ва тугаллиниши йили	Локалий қуввати, тегилли учун бирликларида (кВт/м)	Таъмирлаш ишларининг пудрат шартномаси тугаллиниши вақти, ушундай қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирлаш ишларининг қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига объектнинг таъмирлаш ишлари қайта ҳисоблашдан кейинги қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига объектнинг таъмирлаш ишлари қайта ҳисоблашдан кейинги қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	2022 йил режаси					2022 йилда ишга тушқилиши		Объектнинг келгуси йилга ўтказилган 01.01.2023 йилга қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Объектнинг келгуси йилга ўтказилган 01.01.2023 йилга қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Локалий экспертиза саноли ва расами	Тендер шартлари баённомаси тасдиқланган сана ва расами	Пудрат қурилиш ташкилотлари
								Жами маблағлар лимити	ҚҚМ	Житқоллар	Шу жумладан		Қуввати ва муддати	Асосий фонлар					
											Жами	Шундан буюртмачининг санолаш харажатлари							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
	Тошкент вилояти бўйича жами:		12,500				150,215			150,215									
	ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ																		
	Паркент тумани																		
1	Истиклол МФЙ Гулистон кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	2,300				24,847			24,847									Таялов асосида
2	Истиклол МФЙ Меҳнатсозат кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	0,500				4,970			4,970									Таялов асосида
3	Истиклол МФЙ Меҳнатабод кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	1,700				19,309			19,309									Таялов асосида
4	Истиклол МФЙ Обод кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	1,500				11,358			11,358									Таялов асосида
5	Истиклол МФЙ Соғ соҳили кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	0,600				11,358			11,358									Таялов асосида
6	Истиклол МФЙ Истиклол кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	2,000				19,309			19,309									Таялов асосида
7	Истиклол МФЙ А.Дониш кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	0,600				6,957			6,957									Таялов асосида
8	Истиклол МФЙ Ҳамкор кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	0,300				2,982			2,982									Таялов асосида
9	Истиклол МФЙ 8–март кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	0,700				6,957			6,957									Таялов асосида
10	Истиклол МФЙ А.Рудакий кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	1,100				19,309			19,309									Таялов асосида
11	Истиклол МФЙ Шаҳристон кўчасини жорий таъмирлаш	2022 йил	1,200				22,859			22,859									Таялов асосида
	Жами жорий таъмирлаш:		12,500				150,215			150,215									

Изоҳ: Объектларнинг қиймати ва янги бошланадиган объектларнинг пойҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб Давлат экспертизасидан ўтказилгандан ва танлов натижаларига кўра аниқлик киритилади.



"Келишилди"

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Давлат ривожлантириш дастурларини
молиявий таъминлаш департаменти директори
С.Садуллаев
2022 й.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 45422 на приобретение Паркент тумани Истиқлол МФЙ Механизатор кўчасини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

Способ проведения электронный

Дата 09.03.2022

Время рассмотрения 09.03.2022 16:56

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Член комиссии	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Sektor mudiri	Toshkent viloyati moliya bosh boshqarmasi
Председатель комиссии	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	директор	Тошкент вилояти МЙБХ ДУК
Секретарь комиссии	JUMAYEV SUXROB UKTAM O'G'LI	Bosh mutaxassis	Toshkent viloyati MYBX DUK
Член комиссии	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Bosh mutaxassis	"O'ZYO'LINSPEKSIYA"
Член комиссии	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi inspektori	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi
Член комиссии	ABRALOV BEXRUZXON ISKANDAR O'G'LI	Yetakchi mutaxassis	Toshkent viloyati hokimligi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 09.03.2022 года № лота 45422.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Паркент тумани Истиқлол МФЙ Механизатор кўчасини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	3 975 000.00
Стартовая сумма	3 975 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Охирги йилда 50 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 50 млн. сўм ва ундан юқори. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп. 7. Объектнинг буюртмачи белгилаган бошланғич нархининг 20% миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	34	34	30	Экспертная		
OOO RAVON LOYIHA LUX	34	34	34	Экспертная		

Критерий №2 V. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома, 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган қурилиш (таъмирлаш) объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	2	2	2	Экспертная		
OOO RAVON LOYIHA LUX	2	2	2	Экспертная		

Критерий №3 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Компьютер (ноутбук) техникалари 5 дона ва ундан кўп (ҳар бирига 2 балл). 2. Сметаларни ҳисоблаб чиқишда қўллаш учун дастурий комплекс(ABC4-uz) 1 та. 3. Принтер ва нусха кўпайтириш техникаси 2 та ва ундан кўп. 4. Ўлчов асбоблари (шагомер, метр).

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	20	20	8	Экспертная		
OOO RAVON LOYIHA LUX	20	20	20	Экспертная		

Критерий №4 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажы 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга муҳандис ва архитектор ходимларни мавжудлиги. 3. Иш стажы 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош муҳандисини мавжудлиги. 4. Иш стажы 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош архитекторини мавжудлиги. 5. Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган малакали ишчи ходимлар (мутахассислар) мавжудлиги. 6. Ходимларнинг ўртача сони 7 кишидан кам бўлмаган.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	19	19	16	Экспертная		
ООО RAVON LOYIHA LUX	19	19	19	Экспертная		

Критерий №5 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига буюртмачи бошлангич нархнинг 50% сўмлик ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	25	25	5	Экспертная		
ООО RAVON LOYIHA LUX	25	25	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО RAVON LOYIHA LUX	3 975 000.00	3 900 000.00	09.03.2022 11:57:59	40.00
"MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	3 975 000.00	3 950 000.00	09.03.2022 11:14:19	39.49

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО RAVON LOYIHA LUX	57	40	97
"MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati	36.6	39.49	76.09

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 45422 от 09.03.2022 года на приобретение Паркент тумани Истиқлол МФЙ Механизатор кўчасини жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш определила победителем:

ООО RAVON LOYIHA LUX
306997298

и резервный исполнитель: "MODERN ROAD PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati (302525436)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
----------	--------	-------------	-------------

Председатель комиссии	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Согласен	
Член комиссии	ABRALOV BEXRUZXON ISKANDAR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП